ISSN 2091–5853

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

JURNALI



# NAZARIY VA KLINIK TIBBIYOT

2 2012



ЖУРНАЛ

# ТЕОРЕТИЧЕСКОЙ и КЛИНИЧЕСКОЙ МЕДИЦИНЫ

УДК: 616-054.2-008

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Аҳмедова Г.М.
Тошкент педиатрия тиббиёт институти

*РЕЗЮМЕ*

*Объективным условием решения возникающих глобальных экологических проблем является неуклонное повышение экологического знания, экологической культуры каждого члена общества. Формирование экологической культуры у подрастающего поколения - важная составляющая в воспитании молодежи. Необходимо учитывать, что общественные учреждения, процесс обучения и средства массовой информации являются удобной позитивной средой для экологического воспитания.*

SUMMARY

*Objective condition for solving global environmental problems arising from a steady increase in environmental knowledge, environmental culture of every member of society. The formation of ecologicalculture among the younger generation- an important component in the education of youth. Bear in mind that public institutions, the learning process and the media are a convenient positiveenvironment for ecological education.*

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ – ҳозирги кунда Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг «Соғлом турмуш тарзи» концепциясини ҳаётга жорий этишнинг ечими сифатида «Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Марказий Осиёда сув ресурсларини барқарор бошқариш» қонунлари ҳамда Ўзбекистон давлат экологик сертификатлаштириш тизими томонидан экологик атама ва таърифларнинг расмий нашри сифатида экологик хабарноманинг нашр этилаётганлиги ва бошқа ҳужжатларнинг амалда қўлланилаётганлигини алоҳида диққатга сазовор.

Прогрессив инсониятнинг экология соҳасида самарали ишларининг бошланиш босқичидаги фаолияти мақсади ҳам юртимизда атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш, бунинг учун ёш авлоднинг кундалик турмуш тарзида экологик маданият ва одобини ўстириш, шахсни экологик иммунитетини (ҳимоясини ) мустаҳкамлашдан иборат.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСУЛЛАР

Маълумки, кейинги йиллардаги тезкор техник ўсиш, прогрессив тараққиёт ва планетамизнинг глобал исиш оқибатлари кишиликни, дунё зиёлилари қатламини қаттиқ хавотирга солмоқда.

Биз нафас олаётган ҳавода озон қаватининг емирилиши натижасида турли табиий офатларнинг ортиб бориши, иқлим ўзгаришлари асосида юзага келаётган: табиат ва ўсимлик дунёси, неъматлари мувозанатининг бузилиши ва кўпинча, заҳарланиши, унинг оқибатида наслнинг ўзгариши билан боғлиқ касалликлар, айниқса, – болаларда олтибармоқлилик, икки бошлилик ва бошқа касалликлар– носоғликларнинг келиб чиққанлиги бутун инсониятни бошини бир жойга қўйиб ўйлашга мажбур этмоқда.

Ҳаётимизнинги барча тармоқларида экологик муҳитнинг бузилиши аянчли ҳолда рўй бермоқда ва бунинг оқибатида туғилаётган фарзандлар ва ҳайвонларнинг ночор аҳволи ҳамда озиқ-овқат неъматларининг заҳарланиши, сувнинг ифлосланиши ва бошқалар жамиятимиз томонидан юзага келаётган камчиликларнинг миқдори тўхтовсиз ортиб бораётганлиги (жуда кўп маданиятсизликлар), яъни том маънода куррамиз кишиларини табиатга шафқатсизларча муносабатда бўлишининг олдини олишга чақиради.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда 1977 йилда бўлиб ўтган Бутунжаҳон Сеул конференциясида экологик этика бўйича қабул қилинган Деклорация халқимиз аҳолисида жуда катта қизиқиш уйғотди. Деклорацияда айтилишича, бизнинг планетамизни фақатгina замин билан ўзаро таъсири, муносабатини табиат, фан, адолат, инсониятни сақлаш ва баркамоллаштиришга йўналтирилган қонунларини мустаҳкамлайдиган ҳақиқий тенг ҳуқуқли мамлакатлар бирлашмасигина сақлаб қолиши мумкин.

Билиб-билмай йўл қўйилган саноқсиз нотўғри ҳаракатлар оқибати кечириб бўлмайдиган ҳалокатларга сабаб бўлаётганлигини бугун кўтарилаётган, Орол муаммосини ҳал қилиш бўйича чиқарилаётган тадбирлар ўзида аниқ ифодалаяпти.

Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан қараганда, сув захираларининг, шу жумладан ер усти ва ер ости сувларининг кескин танқислиги ҳамда ифлосланганлиги катта ташвиш туғдирмоқда... Сув захираларининг сифати энг муҳим муаммолардан биридир. Орол денгизининг қуриб бориш хавфи гоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди.

Шу боисдан ҳам, бутун дунё зиёлиларининг асосий мақсади ҳам келажак бунёдкорлари - ёш авлодни табиатни, битмас-туганмас ресурсларини асрашга чақиришдир.

Ўз фарзандларини тарбиялаётган ота-оналар, шифокорлар, таълим тизими ходимлари улар онгига ўсимликлар ва ҳайвонлар оламини қадрлаш, уларни муҳофаза қилиш туйғусини чуқурроқ сингдирсалар, эртлари учун таянч бўладиган пойдеворни заминда мустаҳкам туришига хизмат қилган бўлар эдилар.

Бизнингча, экологик тарбияни намунасини ота-оналаримиз оила даврасидаёқ бериб борсалар, экологик иммунитетга эга фарзанд ўзини бошқа муҳитда ҳам айнан шу тарбияга мувофиқ даражада кўрсатади.

Келиб чиқаётган хилма-хил касалликларнинг ви-

руслари гигеник (санитария) конун-коидаларга эътиборсизлик, очиқ сувларга заҳарли (пестецид) моддаларнинг окизилиши, ахлатларнинг турар жойларга яқин ерларда тўпланиб қолиши, қоғоз ва нарса пўчокларининг дуч келган жойларга ташланиши, ўсмирлар орасида чекувчи ва ичувчи, наркотик моддаларга ружў қўювчи қатламнинг ўсиб бориши омиллари инсониятнинг саломатлигига жиддий таъсир қилмоқда.

Ҳозирда атроф-муҳитни саклаш, соғломлаштириш энг долзарб муаммолардан биридир. Дунёнинг барча минтақаларида йирик саноат марказлари, транспорт воситалари атроф-муҳитни ифлослантираётгани, катта-катта ўрмонларнинг кесилиб тугатилаётгани, денгиз ва океанлар заҳарланаётгани, ҳайвонот ва ўсимликлар оламидаги турларнинг тобора камайиб бораётгани сир эмас.

Фан-техника воситалари атроф-муҳитни зарарли чиқиндилар билан ифлосланишини истеъсно этишга тўла имкон бермаётган ҳозирги вақтда атроф-муҳитнинг кишилар, ҳайвонлар ва ўсимлик дунёси учун хавфсизлигини кафолатловчи стандартларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Уларни ишлаб чиқишда Стандартлар халқаро ташкилоти, унинг қўмиталари ва баъзи мамлакатларнинг стандартлаш идоралари муҳим роль ўйнайди.

Соғликни саклаш халқаро ташкилоти (ВОЗ) инсонни соғликни сақ-лаш даражасини назорат килиш учун халқаро хизмат яратилди. Назорат станцияларининг тармоғи республика миқёсида, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, иқтисодиёт ва урбанизация даражаси билан белгиланади.

Ўткир инфекцион касалликларнинг вируслари температурага ёки турли чўкмаларга жуда таъсирчандир. Аникса, температура кўтарилган жазирама ёз ойларида бундай ва бошка касалликларнинг кўпайиши кузатилади. Баъзи районларда оддий тоза ичимлик сувининг танқислиги аҳолининг бундай касалликларга мойиллиги хавфини оширади.

Бундай ва шунга ўхшаш бошка муаммолар аҳоли санитария ва гигиеник шарт-шароитлар билан боғлик муаммоларни келтириб чиқаради.

Экологик аҳволни соғломлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошка омилларга боғлик. Улар орасида экологик таълим ва тарбиянинг аҳамияти каттадир. Ёшларда экологик онгни шакллантиришда қадимий миллий тарбиявий воситалардан фойдаланиш зарур.

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАСИ

Жамоат муассасалари, таълим жараёни, оммавий ахборот воситалари экологик таълим-тарбияни олиб боришнинг қулай ижобий муҳитидир.

Республикамиз Конституциясининг 55-моддасига биноан, «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошка табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», деб таъкидланган. Конституциянинг 50-моддасида «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», дейилган.

Жамиятимиз кишиларда экологик онг, маданиятни шакллантириш лозим.

- Оила тарбиясида ҳам экологик тарбияга катта эътибор берилиши керак (болани она заминга, табиатга, оқар сувга, нонга, жониворларга, ўсимлик дунёсига эъзоз, иззат ҳурмат руҳида тарбиялаш);

- Ижтимоий тарбия масканларида: болалар боғчаларида, мактабларда, олий билимгоҳларда инсон она табиатнинг бир бўлаги эканлигини уларнинг онгига сингдиришдан бошлаш керак.

Ватанпарварлик туйғуси она Ватанга муҳаббатдан, унинг бойлигини саклаш ва кўпайтиришдан, табиатга инсонпарвар муносабатда бўлишдан бошланишини уқтириш лозим.

Мазкур муаммонинг долзарб ва ҳал қилиниши кечиктириб бўлмаслигини ҳисобга олиб, экологик этика ва маданият масаласининг ривожлантирилиши ва ҳал этилишига таълим-тарбия муассасаларида катта эътибор берилмокда. Экологик этика тушунчасининг тараққий этишига табиий ресурсларнинг чекланганлиги, теварак атроф-муҳитнинг ҳаддан зиёд ифлосланиши, аҳоли сонининг тўхтовсиз ўсиб бориши асосий омил бўлиб қолди.

Демак, инсоннинг ҳаракатлари доим табиатнинг табиий қонуниятларига жавоб бериши ва нафакат уни саклашга, балки уни юксакликка кўтаришга хизмат килиши зарур.

Экологик маданият – бу экологик тизимларнинг яхлитлигини ва кишилик ҳаёти сифатини етарлича таъминловчи инсоннинг ахлоқий принципларининг бирлигидир. Унинг принциплари қуйидагиларни ўз ичига олади: инсон ва табиатнинг яхлитлиги, инсоннинг табиатга таъсирининг материал ва маънавий қадриятларига муносабати, баркамоллашуви, табиат билан мулоқотга эҳтиёжини унинг гўзаллигидан роҳатланиш ва унинг топишмокларини очишга, соғлом турмуш тарзини, оламга яхлитлигича инсонийлик муносабатини шакллантиришга интилишидан иборат.

Она заминимизнинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф ортиб бормоқда... Шу сабабли Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишдаги ғоят муҳим вазифа ерларнинг ҳолатини яхшилашдан, тупроқнинг ифлосланишини камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишдан иборат.

Сайёрамизда ҳар йили ташқи муҳитга 70млн $м^3$ заҳарли газ, 50млн тонна метан, 13млн тоннага яқин азот куюндиси чикарилмокда; океанларга 10млн тонна нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ҳавзаларига 32 $км^3$ ифлос саноат сувлари қуйилмоқда, 11млн гектар ўрмон кесилмокда ва ёниб кетмокда.

Тўқимачилик, пахтани дастлабки ишлаш ва енгил саноат корхоналарида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини ҳал қилишнинг энг истиқболли йўлларидан бири - маҳаллий вентиляцион сўриш трубаларини ўрнатиш, атмосферага ва оқар сувларга тушадиган зарарли чиқиндиларини истеъсно этишга ва пасайтиришга имкон берадиган юқори самарали чанг тутиш қурилмаларни ва технологик жараёнларни жорий этиш, шунингдек ишлаб чиқариш

чиқиндиларидан максимал фойдаланишдир.

Ўзбекистонда атмосфера ҳавосининг, сув ҳавзалари ва тупроқнинг ҳолати атроф-муҳит ифлосланиш даражасини кузатиш ва назорат қилиш умумдавлат хизмати барпо этилган.

Давлат санитария назорати хизмати, газ тозалаш ва чанг тутиш қурилмалари ишини назорат қилиш бўйича Давлат инспекцияси, регионал инспекциялар, идоралар, корхоналар, корхоналардаги санитария лабораториялари ва бошқа хизматлар томонидан назорат қилинади. Ташқи муҳитни назорат қилиш ва кузатиш Давлат хизматига Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш Давлат қўмитаси бошчилик қилади.

Мазкур қўмита қошида Атмосфера ҳавосини ифлосланишдан муҳофаза қилиш бўйича Давлат инспекцияси яратилди. Табиий муҳитни ўрганиш ва ифлосланишини назорат қилиш бўйича марказлар бор. Республиканинг кўпгина шаҳарларида сув ҳавзаларининг ифлосланишини автоматлаштирилган системалар ёрдамида назорат қилинади.

ХУЛОСАЛАР

Бугунги глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда жамият аъзоларини экологик билимлар, экологик маданиятини тўхтовсиз ошириб бориш объектив заруратга айланиб бормоқда.

Бизга маълумки, табиат берган тухфалар ўз-ўзидан яратилмайди, уларнинг қайтадан вужудга келиши учун кўп йиллар зарур, ҳар бир бунёд бўлган ўт-майса, табиий нарсалар аввалгисидагидай мувозанатга эга бўлолмайди, шу боис, улар меҳр-мурувват билан қарашга ва диққат-эътиборга лойиқ.

Эндиликда ҳаммамиз она-табиатни, унинг бой ноз-неъматларини эртанги авлодга эсон-омон етказишга жавобгар эканимизни катта шиор қилиб олишимиз лозим.

Фарзандларимизга Ватанпарварлик, инсонийлик тарбиясини беришда экология фани, жамоатчиликнинг ҳамкорлиги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатни асраш борасидаги ишларида муҳим ўрин эгаллайди. Келажакни ўйласак, табиатдаги мавжуд нарсаларни иложи борича асраш ва тежаб фойдаланиш зарур.

Планетамизнинг ўртача ҳарорати стабиллашувига қарамай, яқин 100 йил ичида океан сатҳи кўтарилаверади. Ер аҳолисини қуйи қисми киргокларида яшайди, океан сатҳи 50 см кўтарилиши 92 млн. одамни бошпанасиз, яшаш жойларини ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин.

Иқлим шароитини аниқ башорат қилиш учун жуда кўп омиллар етишмайди. Уларни аниқлаш учун эса қўшимча изланишлар олиб бориш керак, ҳар бири кутилмаган ечимларга олиб келиши мумкин.

Тезкор ҳаётимизда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кўпроқ фойда олиш мақсадида бойликларидан жадал суратларда фойдаланишга ҳаракат қилдилар.

Табиат мувозанатини бузилишига йўл қўймаслик учун экологик қонун-қоидаларни ислоҳ қилиш, табиат ҳудудларини ҳуқуқий ҳолатини, табиатга нисбатан шахслар қайси қонуний хатти-ҳаракатлар қилган фуқаролар, мансаблор шахслар жазосиз қолмаслигини таъминлаш лозим.

Зиёлилар вакиллари жамоат муассасалари, атроф-муҳитдаги, табиатдаги нарсаларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш намунасини кўрсатишлари, севимли Ватанимиз тарихини мунтазам ўрганиб бориш асосида унинг табиий бойликларини кўз қорачиғидек сақлаш хисларини шакллантириб боришлари, ёшлар тақдирига бефарқлик билан қарамасликлари ҳар биримизда масъулият туйғусини уйғотади.

## СОДЕРЖАНИЕ


### ЭКОЛОГИЯ

*Атаниязова О.А.* Современные аспекты влияния факторов окружающей среды на здоровье человека 9

*Ахмедова Г.М.* Таълим жараёнида экологик маданиятни шакллантириш 11

*Искандарова Ш.Т.* К вопросу о модернизации методики санитарно-гигиенического районирования административных территорий Узбекистана по степени опасности загрязнения окружающей среды для здоровья населения 14

*Искандарова Ш.Т.* Сравнительная оценка степени загрязнения окружающей среды в республике Каракалпакстан по степени опасности для здоровья населения 16

*Камалова Г.Н., Уразалиева В.О., Ниетуллаева Р.П. Косимбетова А.Б., Отекеева С.С.* Экологические проблемы водоснабжения и состояние здоровья населения республики Каракалпакстан 18

*Мамедова Г.Б., Курбанов Б.Б.* Основные проблемы водоснабжения в республике Узбекистан и их влияние на здоровье населения 21

*Маткаримова А.А., Жиемуратова Г.К* Состояние здоровья и физическое развитие детей, занимающихся спортом 24

*Ниязова Г.Т., Курбанов А.Б.* Функциональное состояние дыхательной системы детей каракалпакской популяции 26

### НЕОНАТОЛОГИЯ

*Жиемуратова Г.К., Ажимуратов Х.А., Утекеева С.С, Косимбетова А.Б.* Психомоторное развитие детей раннего возраста в зависимости от вида вскармливания 29

*Умарова Л.Н.* Влияние степени тяжести задержки внутриутробного развития на адаптационные возможности детей в раннем неонатальном периоде 31

### ПАТОЛОГИЯ

*Кунназарова З.О. Сейтназарова А.У.* Оценка качества жизни больных с терминальной стадией хронической почечной недостаточности, страдающих нефрогенной артериальной гипертензией, мполучающих гемодиализную терапию 35

*Курбаназаров М.К.* Близорукость у детей в республике Каракалпакстан 36

*Курбаназаров М.К.* Особенности клиники и течения осложненной близорукости у населения южного приаралья 37

*Сайтмуратова О.Х., Акбарходжаева М.У.* Изучение влияния дефолианта дропп на желудочно-кишечный тракт 39

*Убайдуллаева С.А., Махкамова Г.Т., Ганиева Д.К., Кутлимуратова З.* Особенности физического развития детей с нарушениями зрения 41


## CONTENTS


### ECOLOGY

9 *Ataniyazova O. A.* Modern aspects of the influence of environmental factors on human health

11 *Akhmedova G.M.* Formation of the ecological culture during the educational process

14 *Iskandarova Sh. T.* Modernization of sanitary-hygienic zonning of administrative areas in uzbekistan according to the degree of environmental pollution danger to public health

16 *Iskandarova Sh. T.* Comparative evaluation of the degree of pollution in the republic of Karakalpakstan according to danger to public health

18 *Kamalova G.N., Uramaliyeva V.O., Nietullayeva R.P., Qosimbetova A.B., Otekeeva S.S.* Environmental problems of drinking water-supply and its impact on people's health in the Republic of Karakalpakstan

21 Mamedova G.B., Kurbanov B.B. Main problems of water-supply in the Republic of Uzbekistan and their effects on health of population

24 Matkarimova A.A., Zhiemuratova G.K. Health and physical development of children taking exercise

26 *Niyazova G.T., Kurbanov A.B.* Functional state of the respiratory system in children of Karakalpakstan region

### NEONATOLOGY

29 *Jiemuratova G.K., Ajimuratov Kh.A., Utekeeva S.S., Kosimbetova A.B.* Psychomotor development of newborn children depending on the type of feeding

31 *Umarova L.N.* The severity of intrauterine growth retardation in children and its effect on their adaptability in early neonatal period

### PATOLOGY

35 *Kunnazarova Z.O. Seitnazarova A.U.* Life quality of patients with a terminal stage of chronic renal failure and arterial hypertension, who receiving hemodialysis

36 *Kurbanazarov M.K.* Short-sightedness in children of the Republic of Karakalpakstan

37 *Kurbanazarov M.K.* The features of clinic and course of complicated short-sightedness in population of the South Aral Sea region

39 *O.Kh. Saitmuratova, M.U. Akbarkhodjayeva.* Study of bioactivity of dropp defoliant on gastrointestinal system

41 *Ubaydullayeva S.A., Makhkamova G.T., Ganiyeva D.K., Kutlimuradova Z.* Features of physical development in children with visual impairment